



эди. Гарчи суғдийлар Еттисувда туркийларга кучли маданий таъсир ўтказган бўлса-да, бироқ катта салмоққа эга бўлган туркийлар кейинчалик суғдийларнинг туркийлашувига сабаб бўлдилар. Махмуд Кошғарий: “Баласағундаги суғдаклар Бухоро ва Самарқанд орасидаги Суғддан бўлиб, улар туркларнинг кийим ва одатларини қабул қилганлиги” ҳақида ёзганлиги бунга ёрқин далил бўла олади.

Бу маълумот IX–X асрга келиб, туркийлар орасидаги суғдийларнинг ассимиляцияга учрай бошлаганини кўрсатади. Юқорида келтириб ўтилганидек, Еттисувда кечган этносимбиозни Муғ архивининг Nov. 3 ва

Nov. 4 рақамли – “никоҳ битими ва мажбуриятлари” тўғрисидаги ҳужжатлари орқали ҳам кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда Еттисувдаги жараёнлар ўтроқ, ярим ўтроқ ва кўчманчи маданиятлар синтезига олиб келди. Суғдийларнинг деҳқончилик, ҳунарманчилик ва савдодаги маҳорати, шаҳарсозлик маданияти, кўчманчи ва ярим кўчманчиларнинг ўтроқлашувига ижобий таъсир этди. Қолаверса, Еттисувда турк-суғд симбиози шакллана ва ривожлана бориб, суғдийларнинг туркийлашувига олиб келди.



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДИДАГИ ҲАДИС ВА УНГА ОИД МАНБАЛАР

АМИНОВ ҲАМИДУЛЛОҲ

Тарих фанлари номзоди, ЎзР ФА Шарқшунослик институти

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ҳадис илмига оид манбалар ҳақида маълумот беради. Унда ноёб қўлёзмалар, ҳозиргача нашр қилинмаган ёзма манбалар, илмий муомалага киритилмаган асарлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: шарқшунослик, қўлёзма, ҳадис, усул ал-ҳадис, шарҳ, ҳошия, фикҳ, манба.

Аннотация. В данной статье приведены сведения об источниках хадисов, хранящихся в рукописном фонде Института востоковедения им. Абу Рейхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан, а также приведены данные об уникальных рукописях, неопубликованных источниках и не включенных в науку трактатах.

Опорные слова и выражения: востоковедение, рукопись, хадис, усул ал-хадис, комментарий, супракомментарий, фикх, источник.

Abstract. This paper gives information about sources on the science of hadith that kept in the fund of manuscripts of Institute of Oriental Studies named after Abu Reyhan Beruni under the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. There is huge information in it about rare manuscripts, sources that have not been published yet, and works that have not been involved into the scientific use.

Keywords and expressions: Oriental studies, manuscript, hadith, Usul al-hadith, interpretation (commentary), margin note, Fiqh, source.

Марказий Осиёда ёзилган ҳадисга оид янги, фанга номаълум асарларни аниқлаш ва ҳалигача дунёда чоп этилмаган асарларни нашрга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу иш учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондини махсус ўрганишни та-

лаб қилади. Ҳолбуки, ҳозиргача институт фондидаги қўлёзмаларнинг тарих, табобат, аниқ фанлар, тасаввуф, фалсафа ва филология йўналишида фанлар бўйича алоҳида каталоглари нашр қилинган. Бироқ, Қуръон ва тафсир, ҳадис ва фикҳ ҳамда калом илмига оид қўлёзмаларнинг алоҳида каталоглари тайёрланмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш¹ тўғрисидаги қарори ҳам бугунги кунда исломий манбаларни аниқлаш, уларни кодикологик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда таркибий тузилиши ва турларини аниқлаштириб, илмий истеъмолга кенг жалб қилиш ва илмий аҳамиятини кўрсатиб беришнинг тарих, исломшунослик ва шарқшунослик фанларида долзарб эканини кўрсатади.

Бирламчи ўрганишимиз натижасида маълум бўлишича, ушбу институтнинг асосий қўлёзмалар фондида ҳадис фанига оид араб тилидаги 100 дан зиёд номдаги 241 нусхадаги қўлёзмалар мавжуд, форс тилида эса 30 номдан ортиқ 110 нусхада қўлёзмалар, шунингдек, туркий тиллардаги 35 та нусха қўлёзмаси, шунингдек, арбаин ҳадис тўпламларидан 11 номдаги 58 нусха ҳамда ҳадис усули илмига оид 19 номдаги 27 нусха мавжуд. Солиштириш учун айтадиган бўлсак, ақоидга оид 1235 та, фикҳ бўйича эса 1266 та қўлёзма нусхалари мавжуд.

Маълумки, ҳадис фанида “Сихоҳи ситта” – “Олтита саҳиҳ ҳадислар тўплами” деб аталадиган шоҳ асарлар Марказий Осиёда ҳам кўплаб кўчирилган. Бироқ, охириги тўрт юз йиллик тарихда мазкур асарларни минтақа мадрасаларида ўқиб-ўрганиш мукамал тарзда амалга оширилмай келди. Шунинг учун, ҳозирда ушбу саҳиҳ тўпламга киритил-

ган асарларнинг барчасининг ҳам Марказий Осиё хаттотлари томонидан кўчирилган қўлёзмаларини топиш амримаҳол. Институт фондида “Сихоҳи ситта” таркибига кирган “Саҳиҳи Бухорий”нинг бор йўғи 19 та қўлёзмаси сақланган ҳолда, “Саҳиҳи Муслим”нинг 5 та қўлёзмаси², “Сунани Термизий” ва “Сунани Абу Довуд”нинг биттадан қўлёзмаси сақланади³. Имом Насоий ва Ибн Можа томонидан битилган ҳадис тўпламларининг эса бирорта қўлёзмаси топилмайди.

“Саҳиҳи Бухорий”нинг қадимги шарҳларидан бири “Мақосид ат-танқех” деб аталган бўлиб, у 766 ҳижрий (1365 мелодий) йилда Афифуддин Саъид ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал-Козруний (1327–1383) томонидан ёзилган. Мазкур асарнинг 781/1379 йилда ҳали шориҳ тириклик пайтида Муҳаммад ибн Муҳаммад деган хаттот томонидан кўчирилган нусхаси сақланади⁴. Бундан ташқари, “Саҳиҳи Бухорий”нинг машҳур шарҳлари ҳисобланадиган “Фатҳ ал-Борий” ва “Иршод ас-сорий”нинг айрим жилдларининг қўлёзма нусхалари ҳам сақланиб қолган, лекин улар тўлиқ эмас.

“Сунани Насоий”га Абулҳасан ас-Синдий томонидан битилган таълиқ – ҳошиясининг 290 варақ қилиб насх хатида кўчирилган бир нусхаси сақланади⁵. Абулҳасан ас-Синдийнинг тўлиқ номи Нуриддин Муҳаммад ибн Абдулҳодий ат-Татавий (ваф. 1726) бўлиб, Синд диёридан бориб Мадинада яшаб қолган муҳаддислардан ҳисобланади⁶. Унинг мазкур асари Ҳалабада 1986 йилда 8 жилд қилиниб нашр қилинган.

² Қаранг: Имом Муслим. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 5267; 3242; 3179; 5147; 7820.

³ Қаранг: Имом Термизий. Жомеъ ас-сунан. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10167; Абу Довуд. Ас-Сунан. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2975.

⁴ Афифуддин ал-Козруний. Мақосид ат-танқех. 2-жилд. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 5161.

⁵ Абулҳасан ас-Синдий. Таълиқ ғала “Сунан ан-Насоий”. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 8386.

⁶ Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълом. 6-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002. – Б. 253.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил, 25 май № 103 (6797). – Б. 1.

“Сихоҳи ситта”га қўшимча тарзда “Сихоҳи тисъа” – “тўққизта саҳиҳ ҳадислар тўплами” атамаси ҳам мавжуд бўлиб, унга олтита саҳиҳ ҳадислар қаторига “Сунани Доримий”, “Саҳиҳи Ибн Ҳиббон” ва “Муваттои Молик” асарлари киритилади. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида улардан фақат охиргисининг 5 та нусхаси сақланади. “Ал-Муватто”га битилган иккита шарҳ мавжуд. Улар таниқли ҳанафий олими Мавлоно Али ал-қори (ваф. 1606) ҳамда моликий мазҳаби олими Муҳаммад ибн Абдулбоқий аз-Зарқоний (1645–1710) томонларидан битилган “Шарҳ ал-Муватто”асарлари бўлиб, уларнинг биттадан қўлёзмаси мавжуд¹. Бу икки шарҳдан кейингиси 4 жилд қилиб Мисрда нашр қилинган, холос.

ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланаётган ҳадисга оид энг қадимги манба Абу Убайд Қосим ибн Саллом қаламига мансуб “Ғариб ал-ҳадис” асари ҳисобланади. Уни Али ибн Муҳаммад деган хаттот томонида 344 ҳижрий (955 мелодий) йили кўфийнинг сулс хати аралаш қилиб китобат қилинган². Қўлёзма 132 варакдан иборат, ҳар саҳифада 25 сатрдан жойлаштирилган, ўлчами 19х32,5 см.

Абу Убайд ал-Қосим ибн Саллом ал-Харавий (774–838) ҳадис ва фикҳнинг таниқли уламоларидан бири бўлиб, Хиротда туғилиб-ўсган, қарийб 18 йил Тарсусда қози бўлган олим ҳисобланади³. Унинг аслида “Ал-ғариб ал-мусаннаф” номли асари ҳадисшуносликнинг “Ғариб ал-ҳадис” йўналишига оид илк манбадир. Мазкур йўналишда ҳадис матнлари, улардаги қадимий ва архаик сўзларнинг маънолари тадқиқ этилади. Адиб мазкур асарини қирқ йиллик илмий изла-нишлари натижасида ёзган экан.

Марказий Осиё мадрасаларида ҳадис фанидан Валийуддин ат-Табризий (ваф. 1340) қаламига мансуб “Мишкот ал-масобех” номли асари ўқитилган. Шунинг учун ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида мазкур асарнинг 40 дан ортиқ нусхалари мавжуд. Ушбу асарга битилган “Мирқот ал-мафотех”, “Минҳож ал-Мишкот”, “Нур ал-Мишкот”, “Анвор ал-Мишкот” ва “Тийбий шарҳ ал-Мишкот” сингари шарҳларнинг қўлёзмаларини учратиш мумкин.

Таниқли ҳанафий олими, асли бухоролик, лекин Ҳиндистонда туғилиб-ўсган муҳаддис Абдулҳак ад-Дехлавий (1551–1642) томонидан “Мишкот ал-масобех”га форс тилида “Ашъат ал-ламаот” номли шарҳ ёзилган. У ислом оламининг баракали ижодкорларидан бири бўлиб, юздан ортиқ асарлар муаллифи ҳисобланади. Устозлар “Мишкот ал-масобех”ни мазкур шарҳ орқали ўқитишган. Бу анъана ҳозиргача юртимизда сақланиб қолган, дейишимиз мумкин. Институт фондида унинг ўнлаб қўлёзмалари сақланиб келади. Шориҳ ушбу асарини араб тилида ҳам ёзган бўлиб, унинг учта нусхаси мавжуд⁴. XIX асрга келиб, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз (1845–1910) ташаббуси билан “Ашъат ал-ламаот” тўла равишда ўзбек тилига таржима қилинган. Ушбу муборак тадбир Хивалик олимлар Домла Отажон Хивакий ва Мулла Худойберган охунд Хивакий томонларидан амалга оширилган⁵.

Юзга яқин асар ёзган яна бир ҳиндистонлик олим Али ал-Муттакий ал-Ҳиндий (1483–1567) ўзининг “Канз ал-уммол” асари билан танилган. Ушбу асарда барча ҳадисларни қамраб олишга ҳаракат қилинган. Муаллифнинг яна бир ҳалигача нашр қилинмаган “Манҳаж ал-уммол” номли асари бор бўлиб, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланади⁶.

¹ Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 2904; 9334.

² Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом. Ғариб ал-ҳадис. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3101. Асарнинг 764 х. кўчирилган яна бир нусхасига қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9759.

³ Хайриддин аз-Зириклий. Ал-Аълум. 5-жилд. – Байрут: Дор ал-илм, 2002. – Б. 176.

⁴ Абдулҳак ад-Дехлавий. Ламаот ат-танқех. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 8337; 8440; 10044.

⁵ Қаранг: “Мишкот ал-масобех” таржимаси. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 6689; 6784; 6786; 6790; 7300; 7301.

⁶ Али ал-муттакий. Манҳаж ал-уммол. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 2987; 3184.

Шунингдек, ҳалигача нашр қилинмай, қўлёзма ҳолича сақланиб қолаётган асарлардан бухоролик ҳанафийларнинг устози ҳисобланган Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ас-Субазмунӣ (ваф. 951) қаламига мансуб 649 ҳижрий (1251 мелодий) йилда кўчирилган “Кашф ал-асрор”, бухоролик яна бир таниқли олим Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Калободий (ваф. 990) томонидан ёзилган “Баҳр ал-фавоид”, мотуридийлик таълимотининг таниқли вакили Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафӣ (1068–1142) томонидан ёзилган иккита: “ал-Явоқит фил-мавоқит” ва “ас-Самъийёт ва ас-Сабъийёт”, Сироҷиддин Али ибн Усмон ал-Ўший ал-Фарғонӣ (ваф. 1174) битган “Нисоб ал-ахбор” каби асарларнинг ноёб нусхалари ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланади.

Буюк муҳаддислардан Имом ат-Термизий қаламига мансуб “аш-Шамоил ан-набавия” асарининг энг ноёб дурдона қўлёзмалари ҳам фонддан жой олган. Жумладан, ўзининг гўзаллиги, ҳуснихати, китобат услубининг бетакрорлиги билан ажралиб турадиган нусхалардан бирини мисол қилишимиз мумкин¹. Шундай қўлёзмалардан яна бирини усмонийлар ҳукмдори Маҳмуд II (1785–1839) Қўқон хони Амир Умархон (1787–1822)га совға қилиб юборган². Қўлёзманинг олд варақларида Фарғона водийсида ушбу китобнинг бошқа қўлёзмалари топилмагани сабабли ушбу нусха Истанбул султони томонидан махсус ҳадия тариқасида юборилгани алоҳида қайд қилинган. Бу бизнинг мақола аввалида Марказий Осиё мадрасаларида ҳадис илмини ўқиб-ўрганиш мукаммал тарзда амалга оширилмай келганига ишора қилганимизнинг тўғрилигини яна бир бора тасдиқлайди. Бироқ, худди фикҳ сингари ҳадис

илмига эътибор XVI асрда шайбонийлар даврида кучайганлигини кўриш мумкин. Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний (ваф. 1555) каби бир қанча олимлар бу даврда ҳадисга оид асарларга шарҳлар битганлар. Жумладан, унинг “Шарҳ аш-Шамоил” номли асари қўлёзмасининг ягона нусхаси мавжуд. Шамсиддин Қўҳистоний бутун Мовароуннахрга бош муфтий ва садр бўлиб фаолият юритган, XVI асрнинг энг таниқли фақиҳ олимларидан бири ҳисобланади. У ўзининг фикҳга доир “Жомеъ ар-румуз” асари билан шухрат қозongan бўлса ҳам, лекин ҳадис илмига оид “Шарҳ ас-Сулосийёт”, “Шарҳ аш-Шамоил” ва “Шарҳ ал-Арбаъин” номли асарлар битган. Лекин, ушбу асарлар ҳозиргача нашр қилиниб, илмий муомалага киритилган эмас.

Ҳадис фанида “арбаъин” (“қирқ ҳадис”) жанри алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар хил мавзуларга оид қирқ ҳадис тўплаш ва уларни ёд олиш асрлар давомида юксак қадрият сифатида эътироф қилиб келинган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида ҳам мазкур соҳага оид ўнлаб асарлар мавжудки, уларнинг аксарияти маҳаллий уламо ва адиблар томонидан битилгани билан аҳамиятлидир.

Қирқ ҳадис жамланган асарлар орасида Имом ан-Нававий (1233–1277) томонидан битилган “ал-Арбаъийн” жуда машҳур ҳисобланади. Унинг ушбу асаридан 12 та нусха сақланади. Мазкур асарга Шамсиддин Муҳаммад Қўҳистоний томонидан битилган шарҳ мавжуд³. Ҳеч қерда нашр қилинмаган мазкур шарҳнинг бир нусхаси бухоролик таниқли хаттот Мавлавий Соқий томонидан 1093 ҳижрий (1682 мелодий) йили китобат қилинган.

Машҳур адиблар Абдурахмон Жомий (1414–1492) ва Алишер Навоий (1441–1501) томонидан битилган “Чихил ҳадис” асарининг кўплаб нусхалари бор. Шунингдек, ўзбек адабиёти вакилларида Абдуллатиф Ғурбатий (ваф. 1406), Фазлий Намангоний (XIX

¹ Имом ат-Термизий. аш-Шамоил ан-набавия. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 5787.

² Имом ат-Термизий. аш-Шамоил ан-набавия. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 7562.

³ Шамсиддин Қўҳистоний. Шарҳ ал-Арбаъийн. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2439/VIII.



аср боши), Мухаййир (1842–1918), Васлий Самарқандий (1870–1925) кабиларнинг ҳам қирқ ҳадис тўпламлари мавжуд. Уларнинг бу хилдаги асарларида ҳадислар назмий баён этилгани билан характерлидир.

Алишер Навоийнинг ёшликдаги устози Фасихиддин ан-Низомий ал-Ҳаравий (ваф. 1513) томонидан битилган “Мажмаъ ал-айнайн” асарининг қўлёзмаси ҳам сақланади. У ҳам “арбаъийн” жанридаги асарлар сирасига киради¹. Фасихиддин ал-Ҳаравий ўндан ортиқ асарлар муаллифи бўлиб, унинг асарлари ҳақида Н. Насруллаев ўз диссертациясида атрофлича тўхталиб ўтган². Алишер Навоийнинг яна бир замондоши ўз даврида Жамолиддин Муҳаддис номи билан шуҳрат қозонган Атоуллоҳ ибн Фазлуллоҳ ал-Ҳаравий (ваф. 1511) бўлиб, унинг ҳозиргача қўлёзма ҳолида сақланиб келаётган “Мисбоҳ ал-мишкот ва мифтоҳ ал-футуҳ ва-л-баракот” асарининг қўлёзма нусхаси сақланади³.

Жамолиддин Муҳаддис номини Алишер Навоий ўзининг “Бадойеъ ул-васат” девонида: “Дарси ишқингни, Навоий, ўйла дер ушшоқ аро, Ким, дегай илм аҳлига Сайид Жамолиддин ҳадис”, шаклида тилга олган эди⁴.

Ҳадис фанининг асосий йўналишларидан бири “мусталаҳ ал-ҳадис” (“ҳадис истилоҳларини ўрганувчи фан”) ёки “усул ал-ҳадис” (“ҳадис асослари”) соҳаси ҳисобланади. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида мазкур соҳага оид асарларнинг ноёб қўлёзмалари ҳам сақланади. Жумладан, ҳадисшунослик назариясига бағишланган “Хулосат ат-Тийбий” деб аталган асар бўлиб, унинг маҳаллий ула-

молар томонидан 935 хижрий (1529 милодий) йили ёзилган иккита шарҳи – Сайид Жалолиддин Гурланий (ваф. 1367) ҳамда Муҳаммад Ҳанафий ал-Бухорий (XVI аср боши) асарларини зикр қилиш мумкин⁵. Кейинги давр олимларидан эса Мавлавий Шариф ал-Алавий ал-Бухорий (1617–1697) томонидан битилган “Рисолаи мусталаҳот ал-ҳадис” асарини киритиш мумкин⁶.

“Усул ал-ҳадис”га оид асарлар қаторида машҳур нақшбандия тариқати вакили, Хожа Муҳаммад Порсо (1345–1419) қаламига мансуб “Фусули ситта” асарини ҳам санаш ўринлидир. Унинг ноёб нусхаларидан бири институт фондида сақланади⁷. Мазкур асарда олти тафсилот ажратилиб, ҳадис илми назарияси баён этиб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди ҳадисга оид манбалар билан ҳам бой ҳисобланади. Ушбу қўлёзмаларнинг аксарияти ҳалигача нашр қилинмаган, дунё илмий жамоатчилигига унчалик маълум бўлмаган асарларни ташкил қилади. Нашр қилинган айрим асарларнинг эса ноёб ва нодир қўлёзма нусхалари мавжуд. Мазкур асарларни илмий тадқиқ этиш, мазмунини таҳлил қилиш, илмий-танқидий матнларини яратиш, уларни ўзбек тилига таржима этиш ҳамда илмий жамоатчиликка маълум қилиш зарурати бор.



¹ Фасихиддин ал-Ҳаравий. Мажмаъ ал-айнайн. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №№ 4790; 11643.

² Насруллаев Неъматулло Ҳикматуллаевич. Лутфуллоҳ ан-Насафийнинг “Фикҳи Кайдоний” асари ва унга ёзилган шарҳ, ҳошиялар таҳлили. Тарих фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2011. – Б. 175.

³ Жамолиддин ал-Муҳаддис. Мисбоҳ ал-мишкот. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 540.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Бешинчи том. – Т.: Фан, 1990. – Б. 71.

⁵ Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 2439/III; 2955/II.

⁶ Муҳаммад Шариф Бухорий. Рисолаи мусталаҳот ал-ҳадис. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 9060/III.

⁷ Хожа Муҳаммад Порсо. Фусули ситта. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 3051.